

---

## Риштон-Япония ҳамкорлиги янги уфқларда

Маълумки, сўнги йилларда Риштон-Япония ҳамкорлиги янги уфқларни забт этмоқда. Яқинда риштонлик уч нафар ёшлар Майзуру шахрига бориб, Майдзуру шахридаги политехника коллежи роботатехника йўналишида таҳсил олиш учун “Кунчиқар юрт”га жўнаб кетишган эди. Бугун эса Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази яна бир тарихий воқеага гувоҳ бўлди.

“Хунармандлар” уюшмаси вилоят бошқармаси, Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази, туман ҳокимлиги ҳамда Япониянинг “Kumiko” бренди ҳамкорлигида янги лойиҳа ишга тушди.

Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар марказида Япониянинг машҳур бренди “Kumiko” ҳамкорлигида каштачилик маҳсулотларини тайёрлаш тўғрисида ўз фаолиятини бошлади. Бугун мазкур тўғаракнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Очилиш маросимида “Хунармандлар” уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзааҳмедов, Риштон тумани ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Муқаддасхон Бекмирзаева, Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази директори Ғанишер Назиров, “Kumiko” бренди раҳбари Марияма Рисалар иштирок этишди.

Ушбу тўғаракка “Хунармандлар” уюшмасидан бириктирилган Зумрадхон Раҳмонова раҳбарлик қилмоқда. Тўғаракда 20 нафарга яқин хотин-қизлар жалб этилган бўлиб, улар каштачилик санъати бўйича ўз маҳоратларини ошириб боришмоқда.

- Ўзбекистонга меҳрим бўлакча, дейди Марияма Риса. – Самарқанд ва бошқа бир қатор тарихий шаҳарлар мени ўзига ром этган. Риштонда фаолият бошлашимга сабаб ҳам шу аслида. Бу ерда тайёрланган “Kumiko” бренд остидаги сузаначилик маҳсулотларини Япония ва бошқа мамлакатларда сотишни мақсад қилганман. Японияда қўл меҳнатини жуда қадрлашади. Шунинг учун қўлдан тайёрланган маҳсулотларнинг қадрини баланд. Келажакда ушбу лойиҳамиз кенгайшигига ишончим комил.

- Сўзаначилик санъати ихлосмандлари бўлган хотин-қизларимизни мазкур тўғаракимизга таклиф этамиз, дейди Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази директори Ғанишер Назиров. – Бу ҳам ҳунар ўрганиш, ҳам даромад топиш манбаидир.

Тадбирда шунингдек, “Хунармандлар” уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзааҳмедов ва Риштон тумани ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Муқаддасхон Бекмирзаевалар сўзга чиқишиб, тўғарак фаолиятига омад тилашди.

Айтиш жоизки, ушбу лойиҳа орқали Риштон маҳсулотлари жаҳон бозорини забт этиш учун яна бир қадам ташланди.

**Аброр Деҳқонов,**

**Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети,**

**Медиа ва коммуникация факультети 2-босқич талабаси**

2022-03-29 15:53:11